



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04
e-mail: info@antimon.gov.uz, e-xat: antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz



004594

“26” 11 2019 y. № 1097/02-11

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва саноат
вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёғоч қириндили плиталар ҳамда уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, импортни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги қарори лойиҳасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни билдиради.

Таъкидлаш керакки, қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.04.2019 йилдаги “Ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №297-сонли қароридан назарда тутилган айрим бандларни ўз ичига олган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.04.2019 йилдаги №297-сонли қарори 5-банди иккинчи хатбошиси билан Монополияга қарши курашиш қўмитасига “Навоийазот” акциядорлик жамияти томонидан “формалин 37%” маҳсулоти бўйича ва “Махам-Ширчиқ” акциядорлик жамияти томонидан “карбамид А” маҳсулоти бўйича монопол юқори нархлар қўлланилишининг олдини олиш бўйича доимий равишда мониторинг олиб бориш топириғи назарда тутилган.

Шу муносабат билан қарор лойиҳасининг 1-банди тўртинчи хатбошисини чиқариб ташлаш таклиф этилади.

Шунингдек, қарор лойиҳаси 3-бандида белгиланган акциз солиғи миқдорларини республикада мавжуд қувватлар ва хом ашё базасини чуқур таҳлил этган ҳолда асосланган равишда қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, 2017 йилда ёғоч қириндили плиталар (ДСП) бозори тўлганлиги даражаси 25,6 фоизни, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 16,7 фоизни ташкил этган.

Шундан, товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўлган ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қароридан белгиланган прогноз кўрсаткичлар бажарилишини ҳамда ёғоч қириндили плиталар (ДСП) ва уларнинг муқобил турларига бўлган бозор талабини

тўйинтириш, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва импорт ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда, қарор лойиҳаси 3-бандини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.


Бундан ташқари, қарор лойиҳаси 1-банди учинчи хатбошисида 2020 йил 1 январдан бошлаб ёғоч-қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга муайян инвестицион мажбуриятлар асосида, атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда **табiiй қамишзорларни 10 йилдан кам бўлмаган муддатга бепул фойдаланишга бериш тизимини жорий этиш** топширилган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.04.2019 йилдаги №297-сонли қарори билан Республикада қамиш хом ашёси мавжуд бўлган ҳудудлар ҳамда қамишни қайта ишлаш корхонаси ташкил қилиниши тавсия этиладиган кичик саноат зоналарининг рўйхати тасдиқланган ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳудудларда қамиш хом ашёси мавжуд бўлган жойларни ёғоч қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларга, фаолият кўрсатиш даврида **доимий фойдаланишга ажратиб берилишини ва қамиш хом ашёсини ўриб олишга рухсат этилишини ўрнатилган тартибда таъминлаш** топширилган.

Шунга кўра, қарор лойиҳаси қарор лойиҳаси 1-банди учинчи хатбошисини чиқариб ташлаш ёки қарор лойиҳасини куйидаги хатбошиси билан тўлдириш таклиф этилади:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ойлик муддатда ёғоч-қириндили плиталар ва уларнинг муқобил турларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга муайян инвестицион мажбуриятлар ва атроф-муҳитга зарар етказмаслик шarti асосида табiiй қамишзорлар ва қамишни қайта ишлаш корхонаси ташкил қилиниши тавсия этиладиган кичик саноат зоналари ҳудудидан ер майдонлари ажратиш тартибини тасдиқласин.”

Раис



Н.Шарипов